


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриши
магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент архитектура-қурилиш институти;
- “Кишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 201_ йил «__» _____ даги ____ - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳукуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

T/p		бет
1.	5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи.....	4
1.1	Кўлланиш соҳаси	4
1.2	5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаoliyatlarinинг тавсифи.....	5
2.	5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислиги бўйича магистрантларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.1	Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2	5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислиги бўйича магистрантларнинг касбий фаoliyatlariiga қўйиладиган малака талablari.....	7
3.	5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	9
3.1	Ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	10
3.2	5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислиги ўкув режасидаги юклама ҳажми.....	11

1. 5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, яқуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг мурдати, ўқиши шакли ва мос малака (даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режаси ва фан дастурининг мурдати ва битирувчиларнинг малака (даражаси)

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг мурдати
Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастурлари	Магистр	2 йил

1.1. Кўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳукуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

-мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиц, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун маъсул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

-магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талаabalari;

-ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқармаси (бўлими) бошлифи, деканлар ва кафедра мудирлари);

-битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи, Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

-олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

-олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

-магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш хукуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка: “Шаҳарлар эстетикаси”, “Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини лойихалаш”, “Замонавий шаҳарсозлик назарияси ва концепсиялари”, “Шаҳарлар реконструкцияси”, “Ландшафт архитектурасининг назарияси”га оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК, “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ корхоналари ва уларнинг вилоятлардаги филиалларида комплекс масалаларни ечиш.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- Шаҳарлар;
- Транспорт;
- Ландшафт архитектураси;
- Қишлоқ аҳоли пунктлари;
- Туаржой ҳудудлари, марказ ҳудуди, яшил ҳудуд, саноат ҳудуди;
- Тарихий шаҳарлар;
- Мажмуалар ва ансамбллар;
- Шаҳарлар реконструкцияси;
- Шаҳарлар экологияси;
- Шаҳарсозлик менежменти;

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

1.2.3. 5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:

- Илмий-тадқиқот фаолияти;
- Ташкилий-бошқарув фаолияти;
- Лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий - педагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим тизимида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);

• Консалтинг хизмати фаолияти ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологиячарнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. Таълимни давом эттириш имкониятлари Магистратурани битиравчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармок ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий - тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

2. 5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислиги бўйича магистрантларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Магистрантларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;

- миллий маънавий ва умум инсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англашган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;

- шахснинг инсон, жамият, атроф мухитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳукуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳукуқий хужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услугига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- хорижий тиллардан бирини илмий муроқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаши;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил карорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- патент олиш учун иш меъёрий хужжатлар тайёрлай олиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

2.2. 5А340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қила олиш;
- Шаҳар ва қишлоқларни ўрганиш, уларни лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва реконструкциялаш бўйича амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни қўллаш;
- ўтказилаётган илмий-тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича манбалардан фойдаланиш, танланган обьектнинг ўлчов ишларини амалга ошириш, таъмирлаш қоидаларининг тўгри танланишини тадқиқот қилиш ва ишлаб чиқиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, технологик ва эксплуатацион ютуклар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- лойиҳаларни амалга оширишни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган масалаларни таҳлил қилиш, лойиҳалаш гурухини бошқариш;
- Шаҳар ва қишлоқларни ўрганиш, уларни лойиҳалаш, қуриш, ва реконструкциялаш. Шаҳар муҳофаза зоналарини белгилаш, аҳоли пунктларининг ижтимоий-иктисодий, манавий-маърифий эҳтиёжларидан келиб чиқган ҳолда фойдаланишини ташкил қилиш, шакллантириш ва бошқариш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизmlарини ишлаб чиқиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);

– ўрта маҳсус қасб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб бакалавриат ва магистратура ўқув режаларида ўзлаштирилган фанлар доирасида назарий ва амалий машғулотларини ўтказиш;

- ўқув фанларини ўқитиши методикасини эгаллаши;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиши учун ўқув-методик мажмуналарни ишлаб чиқиш;

- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

Турли хизматлар кўrsatiш:

- мутахассислик бўйича замонавий шаҳарсозлик назарияси ва концепциялари, шаҳарлар реконструкцияси ва ландшафт архитектураси соҳаларида мавжуд ҳолатнинг аналитик таҳлилини ишлаб чиқиш;

- Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларига оид лойиҳаларни экспертиза қилишда иштирокчи сифатида қатнашиш;

- ихтиносликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўrsatiш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

3. 5A340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талabalар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;

илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир каторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чукур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини хисобга олиши керак.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодийт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини хисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимиш-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аникланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер стимуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргалиқда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришида ОТМ талабаларининг хуқуqlари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Ўқув режага киритиладиган мутахассисликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва маданий мерос объектларида ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун магистрантларнинг

илмий амалиёт (стажировка)лари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Магистратура мутахассислиги ўкув режасига мувофик равиша якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўкув режаларидағи умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Умумметодологик фанлар блоки:

тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши;

таълимга технологик ёндашув, ўкув максадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;

амалий хорижий тилни ўзлаштириши лозим.

Мутахассислик фанлари блоки:

- замонавий шаҳарсозлик назарияси, архитектуравий режалаштириш, шаҳар транспорти ва ландшафт архитектураси кўникмаларини такомиллаштириш;
- шаҳарсозлик меъёрий хужжатларини ва уларда ишлатилган қоидалар, нормалар ва низомларини билиши;
- шаҳарсозлик муаммоларини ечишда замонавий инновацион ғояларини ишлаб чиқиши;
- шаҳарсозлик назариясини ўзлаштириш ва уларни ўз амалий фаолиятида кўллай билиш;

мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

мутахассислик бўйича кўзланган натижаларга эришиш жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият: илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини жумладан график реконструкция бажариш бўйича кўникмалар ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютукларига

асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш қўниумасини ҳосил қилиш лозим.

Илмий-педагогик ишлар:

замонавий креатив педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқувтарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва қўниумаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш укуви ва қўниумаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка мақсадлари:

Муайян мавзу бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чукурлаштириш;

фан, соҳа ҳамда бошқа тармоклардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим;

бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

Танлов фанлари:

Мутахассислик бўйича фан, иктисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуклари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5А340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат микдорда белгиланади. Аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб тайинланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустакил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Мутахассисликнинг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмuni олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чукур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гурухлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 40 фоизи (умумий юклама ҳажмiga нисбатан) мустакил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўкув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўкув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўкув режаларига мувофик равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишининг норматив муддати 2 йил бўлганда ўкув жараёни 100 хафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият	54 хафта
Аттестациялар ва давлат аттестацияси	7 хафта
Илмий амалиёт (стажировка)	21 хафта
Таътиллар	18 хафта
Жами	100 хафта

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуидагида тақсимланиши зарур:

назарий таълим - 36 %;
аттестация - 7 %;
таътиллар - 18%;
илмий фаолият - 56 %.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини
тайёрлаш - 42%;
илмий семинар - 11%.
илмий амалиёт (стажировка) - 47%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар – 16%;
мутахассислик фанлари – 54%;
танлов фанлари - 30%.

T/p	Ўкув фанлари (курслар) ва илмий фаолият турларининг номи	Умумий юклама Соат
1	2	3
1.00	Умумметодологик фанлар	260
1.01	Илмий-тадқиқот методологияси	65
1.02	Махсус фанларни ўқитиш методикаси	65
1.03	Амалий хорижий тил	130
2.00	Мутахассислик фанлари	870
2.01	Шаҳарлар эстетикаси	58
2.02	Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини лойиҳалаш	388
2.03	Замонавий шаҳарсозлик назарияси ва концепциялари	122
2.04	Шаҳарлар реконструкцияси	180
2.05	Ландшафт архитектурасининг назарияси	122
3.00	Танлов фанлари	490
	Жами:	1620
4.00	Илмий фаолият	2430
4.01	Илмий-тадқиқот ва илмий педагогик иш, магистрлик диссертациясини тайёrlаш	1026
4.02	Илмий семинар	270
4.03	Илмий амалиёт (стажировка)	1134
	ЖАМИ:	4050
5.00	Аттестациялар	378
	ҲАММАСИ	4428

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

Касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, архитектура тарихи ва назарияси, архитектура ёдгорликлари, обида, уйғунлаштириш, график-аналитик таҳлил, муҳофаза худуди, тарихий шаҳарлар, тарихий марказлар, таъмирлаш, тиклаш, қайта қуриш, безак, шаҳарсозлик тарихи, маҳаллалар, замонавий функция, мослаштириш, тадқиқот асослари.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкент архитектура-қурилиш институти

Ректор

Р.Р.Ҳакимов

2018 йил « 02 » августи



“Кишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ

Директор

И.С.Аҳмедов

2018 йил « 03 » августи

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта
маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази**



М.Ў.

Директор

Б.Ҳ.Раҳимов

2018 йил « 08 » 08

“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК

Директор

F. Madzhidov

Ғ. Маджидов



М.Ў.

2018 йил « 08 » августи

“Архитектура ва қурилиш,
Инновация ва интеграция” маркази

Директор




И.П.Мирзаев



М.Ў.

2018 йил « 08 » августи

**Тошкент архитектура қурилиш институти 5А340103 – Шаҳарсозлик ва қишлоқ ахоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи
Ишчи гурух таркиби**

T/р	Ишчи гурух раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1.	А.Мирисаев	ТАҚИ ўқув ишлари проректори, т.ф.н., доцент. Аъзолари:	
2.	С.Маҳкамов	ТАҚИ ўқув-услубий бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент.	
3.	Р.Ходжаев	Магистратура бўлими бошлиғи	
4.	М.Аҳмедов	Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси кафедраси мудири, арх.ф.д., профессор.	
5.	Б.Матчонов	Архитектура тарихи ва назарияси кафедраси мудири	
6.	З.Матниязов	Ландшафт дизайнни ва интеръери кафедраси мудири, доцент.	
7.	А.Хасанов	Архитектуравий лойиҳалаш кафедраси мудири, арх.ф.н.	
8.	В.Махмудов	Архитектуравий лойиҳалаш кафедраси профессори	
9.	Х.Пўлатов	Архитектура тарихи ва назарияси кафедраси профессори, арх.ф.н., доцент.	
10.	Д. Исамухамедова	Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси кафедраси доценти	
11.	М.Талипов	Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси кафедраси доценти	
12.	А.Ветлугина	Ландшафт дизайнни ва интеръери кафедраси доценти, арх.ф.н., доцент	
13.	У. Файзиев	Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси кафедраси, катта ўқитувчи	
14.	К. Сайдов	Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси кафедраси, ассистент	

Тошкент архитектура қурилиш институти ректори



Р.Р.Ҳакимов

Ўқув ишлари бўйича проректор



А.Ў.Мирисаев

*Онлай ба ўртма маҳсус таълим вазирлигининг
2015-йил 24-апрелдаги 84-01-91-сонли хатига шова*

“Кишлоқкурилишойха” МЧЖ

Вазирлик (идора) номи

Магистраттура мутахассислеклари учун янгидан яратилиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеммолчиларининг таълим йўналиши магистраттура мутахассислиги битирувчилиари касбий фаолиятларига кўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетенцилик талаблари)

<i>T/p</i>	<i>Вазирлик (идора)ният ташкилот (корхона)лари учун кадр таёйлананаётган магистраттура таълим йўналиши*</i>	<i>норми</i>	<i>Вазирлик (идора)ният таълим йўналиши битирувчилиари касбий фаолиятларига кўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетенцилик талаблари)</i>
1.	5A340103	“Шахарсозлик ва кишлек ахоли яшаш жойларини комплекс куриш”, Магистраттура мутахассислиги	<p>Битирувчи кўйидаги касбий компетенция ва кобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> -шахарсозлик муаммоларини таҳтил кила олиш; -шахар ва кишлек худудларини ўрганиб, изланиб лойиҳавий таклиф бера олиш; -илмий-гадикот лойиҳалари бўйича манбадардан фойдалана олиш; -намунавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқикотлар ўтказиш; -архитектура ёдгорликларини саклаш, уларнинг муҳофаза зоналарини белгилаш, ёдгорликлардан ижтимомий максадлар ва туризм эҳтиёjlарida фойдаланиши ташкил килиш; -танланган худудни ўлчов ишларини амалга ошириш, таъмирлап коидаларининг тўғри танланисини тадқикот килиш ва ишлаб чиқариш; - шахар ва кишлек худудларини хозирги замон талабларига мос равишда реконструкци килиш, ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш; -ечилётган илмий муаммолар ва топширикларинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш; -шахарсозликда транспорт ечимлари ва норматив хужжатларини ишлай олиш; -фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитларида янги билимларни тезкор эгаллаш; -замонавий компьютер дастурларидан фойдалана олиш; -иш сифати учун масъулиятни хис килиш, ўз билимлари ва маҳоратидан унумли фойдалана олиш; -давлат дастурларига мос лойиҳаларни амалга ошира олиш; -лоиҳаларни амалга оширишни болқариш, ишлаб чиқариши жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган

		масалаларни таҳлил килиш, лойихалаш гурӯхини бошқариш; -инновацион гояларни кўллай олиш; -фундаментал, амалий, инновацион тадқикотлар олиб бориши;
--	--	--

Изоҳ. 1. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрлангаётган ҳар бир магистратура тавлим йўналиши бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига кўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида кабул килинади.

2. Магистратура мутахассисларни классификатори Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 авгуустдаги “Олий тавлимнинг Давлат тавлим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон карори билан тасдиқланган



*Оний ва ўрта маҳсус таътил мазуригининг
2015-ийн 24-apрелдаги 84-01-91-сонли хатига ишова*

“Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДУК

Вазирлик (идора) номи

Магистратура мутахассислари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши магистратура мутахассислиги битирувчилари касбий фаолиятларига
кўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

<i>T/p</i>	<i>Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган магистратура таълим йўналиши*</i>	<i>шифри</i>	<i>номи</i>	<i>Вазирлик (идора)нинг ташкилот таълим йўналиши</i>
1.	5А340103	“Шаҳарсозлик ва кишлоп ахоли яшаш жойларини комплекс куриш” Магистратура мутахассислиги	“Шаҳарсозлик ва кишлоп ахоли яшаш жойларини комплекс куриш” Магистратура мутахассислиги	<p align="center">Битирувчи кўйидағи касбий компетенция ва кобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> -шахарсозлик муаммоларини тахжил кила олиш; -шахар ва кишлоп худудларини ўрганиб, изланиб лойихавий таклиф бера олиш; -илмий-тадқикот лойихалари бўйича манбалардан фойдалана олиш; -намуనавий методикалар ва бошқалар бўйича экспериментал тадқикотлар ўтказиш; -архитектура ёдгорликларини саклаш, уларнинг муҳофаза зоналарини белгилаш, ёдгорликлардан ижтимоий мақсадлар ва туризм эҳтиёжларидаги фойдаланишини ташкил килиш; -танланган худудни ўлчов ишларини амалга ошириш, таъмирлари коидаларининг тўғри танланшишини тадқикот килиш ва ишлаб чиқариш; - шахар ва кишлоп худудларини хозирги замон талабларига мос равишда реконструкци килиш, ва лойихаларини ишлаб чиқиш; -чилаёғтан илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш; -шахарсозлика транспорт ечимлари ва норматив хўжжатларини ишлай олиш; -фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитларида янги билимларни тезкор эгалдаш; -замонавий компьютер дастурларидан фойдалана олиш; -иш сифати учун масъулиятни хис килиш, ўз билимлари ва маҳоратидан

- унумли фойдалана олиш;
- давлат дастурларига мос лойихаларни амалга опира олиш;
- лоийихаларни амалга оширишни бошкариш, ишлаб чикариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавкулода содир бўлиши мумкин бўлган масалаларни тахлил килиш, лойихалаш гурухини бошкариш;
- инновацион гояларни кўлладай олиш;
- фундаментал, амалий, инновацион тадқикотлар олиб бориш;

Изох. 1. Жадвал вазирик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланадиган хар бир магистратура таълим йўнаниши бўйича битирувчининг билими, кўнижмаси ва малакасига кўйиладиган аник талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида кабул килинади.

2. Магистратура мутахассисликлари
“Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш түгрисида”ги 343-сон карори билан тасдиқланган
классификатори Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 авгуустдаги

“Ўзшахарсозлик лити” ДУК
Бош Дириктори



Г. Малкин

**Тошкент архитектура-қурилиш институти томонидан
ишлаб чиқилган**
**5A340103-Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс
қуриши магистратура мутахассислиги бўйича такомиллаштирилган
малака талаблари ва ўқув режасига**

ТАҚРИЗ

5A340103-Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриши магистратура мутахассислигининг малака талабини ишлаб чиқишида магистратура битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаблари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифалари, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талабда таълим йўналишининг қўлланиш соҳаси, магистратура мутахассислиги фаолиятларининг таснифи ва обьектлари, касбий фаолият турлари, давом эттириш имкониятлари, магистрларнинг касбий тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, таълим йўналиши бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари, таълим йўналиши ўқув режа ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар келтирилган.

Малака талаб асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланган.

Ушбу малака талаб халқаро тажриба, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари, иқтисодий устиворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган холда илмий асосланган.

5A340103-Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриши мутахассислиги бўйича такомиллаштирилган малака талабларини ва ўқув режасини тасдиқлашга тавсия этаман.

**Кишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ
бош архитектори**



Т.А.Низомов

**Тошкент архитектура қурилиш институти томонидан ишлаб чиқилган
5A340103-Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс
қуриш магистратура мутахассислиги бўйича такомиллаштирилган
малака талаблари ва ўқув режасига**

ТАҚРИЗ

Мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар ушбу мутахассисликни битирган кадрларнинг билими, малакаси ва кўнималарига қўйиладиган талабларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда, бугунги кунда барча архитектура ёдгорликлари рўйхатга олиниб, уларни сақлаб қолиш юзасидан бир қанча тадбирлар олиб борилмоқда. Шу сабабдан, 5A340102 - Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган малака талабалари магистрларга республикамиздаги архитектура ёдгорликларни қайта тиклаш соҳасидаги бўлаётган ўзгаришларни туб маъносини инобатга олган ҳолда, талабаларнинг билим савиясини юкори даражага кўтариш ва уларни тайёргарлик сифатини оширишга каратилган.

5A340103-Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислигининг мутахассислик фанларига бугунги кун учун долзарб бўлган фанлар киритилган. Жумладан: “Шаҳарлар эстетикаси”, “Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини лойиҳалаш”, “Замонавий шаҳарсозлик назарияси ва концепсиялари”, “Шаҳарлар реконструкцияси”, “Ландшафт архитектурасининг назарияси”. Бу фанларнинг ҳажми тўғри танланган ва кетма-кетлиги соддадан мураккабга тамойилига асосланган.

Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, касбий фаолиятга қўйиладиган малака талаблари, шунингдек мутахассисликнинг ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ишлаб чиқилган.

Ушбу малака талабларида ўқишнинг меъёрий муддати, касбий фаолият соҳаси ва обьектларнинг тавсифи, касбий фаолият турлари ва мослашув имкониятлари кенг ёритилган. Умумий малакавий талабларда касбий ва ихтисослик бўйича бериладиган билимларга, фанлар бўйича малака ва кўнималар ҳосил қилишга мўлжалланган талаблар тўғри кўйилган. Блокларга сезиларли даражада ўзгартиришлар киритилган.

Малака талабларнинг малакавий амалиёт тузулмаси ва магистрлик диссертацияларига берилган талаблар билан яқунланади, ўзаро боғланган ва бир-бирини тўлдиради.

5A340103-Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш мутахассислиги бўйича такомиллаштирилган **малака талабларини ва ўқув режасини** тасдиқлашга тавсия этаман.

**“UNIQUE ARH PROJECT” МЧЖ
бош архитектори, арх.ф.н., профессор**



**Тошкент архитектура қурилиш институти томонидан ишлаб чиқилган
5A340103-Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс
қуриши магистратура мутахассислиги бўйича такомиллаштирилган
малака талаблари ва ўқув режасига**

ТАҚРИЗ

Мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар ушбу мутахассисликни битирган кадрларнинг билими, малакаси ва кўнимкамларига қўйиладиган талабларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда, бугунги кунда барча архитектура ёдгорликлари рўйхатга олиниб, уларни сақлаб қолиш юзасидан бир қанча тадбирлар олиб борилмоқда. Шу сабабдан, 5A340102 - Архитектура назарияси ва тарихи, архитектура ёдгорликларини тиклаш мутахассислиги бўйича ишлаб чиқилган малака талабалари магистрларга республикамиздаги архитектура ёдгорликларни қайта тиклаш соҳасидаги бўлаётган ўзгаришларни туб маъносини инобатга олган ҳолда, талабаларнинг билим давриясини юкори даражага кўтариш ва уларни тайёргарлик сифатини оширишга каратилган.

5A340103-Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини комплекс қуриш магистратура мутахассислигининг мутахассислик фанларига бугунги кун учун долзарб бўлган фанлар киритилган. Жумладан: “Шаҳарлар эстетикаси”, “Шаҳар ва қишлоқ ҳудудларини лойиҳалаш”, “Замонавий шаҳарсозлик назарияси ва концепсиялари”, “Шаҳарлар реконструкцияси”, “Ландшафт архитектурасининг назарияси”. Бу фанларнинг ҳажми тўғри танланган ва кетма-кетлиги соддадан мураккабга тамойилига асосланган.

